Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 7 ноябрь, шанба • № 133 (24.370).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 ноябрь куни ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар билан кўришиб турганидан мамнуният изҳор этар экан, Ф. Майорнинг Ўзбекистонга келишига сабаб бўлган воқеа — ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-кўчма сессиясининг якуний йиғилишига тўхталди.

— Тошкентда нуфузли халқаро ташкилотларнинг кўчма мажлислари кўп ўтказилади, — деди Ислом Каримов. — Лекин улар орасида ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг анжумани алоҳида ўрин тутади. Бу ташкилот бутун дунёда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган. Ўзаро алоқаларга келсак, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганидан бери кўп вақт ўтмаган бўлса-да, жуда кўп ва катта ишлар қилинди. Биргаликда амалга оширилган тадбирлар рўйхатига назар ташлаган киши бу ҳамкорликнинг нечоғли равнақ топганига гувоҳ бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқалари жуда кенг ва серқиррадир. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1997 йилда бўлган 29-сессиясида Ўзбекистон унинг бошқарув органи — Ижроия Кенгашига аъзо этиб сайлангани, ўша йили ушбу ташкилот раҳнамолиги остида юртимизда ўтказилган XII Халқаро Тошкент кинофестивали ҳамда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ўзаро муносабатлар тарихидаги энг ёрқин саҳифалардандир. Бундан ташқари, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро тадбирлар катта муваффақият билан ўтди. Яқинда эса икки улуғ аллома Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейлари кенг нишонланди.

Президент Ислом Каримов ЮНЕСКО раҳбарлари билан учрашувида ўзаро муносабатларнинг жадал ривожланиб бораётганини таъкидлаб, ҳамкорлик алоқалар кўлами бундан буён ҳам кенгайиб бораверишига умид билдирди.

ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майор кўрсатилган самимият ва эҳтиром учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг Тошкентдаги анжумани кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

Ислом Каримовга ЮНЕСКОнинг олтин медали топширилди

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали топширилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор медални тақдим этар экан, давлатимиз раҳбари халқаро доирада инсон идеалларини улуғлаш, маданий қадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлганини таъкидлади.

— Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шонли ўтмишини ҳам очмоқда, — деди у. — Порлоқ келажакка юз тутган мамлакатда демократия тамойиллари мустаҳкамланмоқда, миллий қадриятларга эса қайта жон бағишланмоқда.

Давлатимиз раҳбари шундай нуфузли ташкилотнинг мукофотига муносиб деб топилганидан мамнуният изҳор этиб, улуғ аллома бўлган ватандошимиз Абу Али ибн Сино номи билан аталган мазкур халқаро мукофот ўзи учун катта шараф эканини таъкидлади.

— Бу олий мукофот, — деди Ислом Каримов, — энг аввало кўпмиллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Мамлакатимиз Президентининг ЮНЕСКО олтин медалига сазовор бўлиши, ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ижтимоий ва маданий ҳаётида кечаётган улкан ўзгаришларни эътироф этишидан далолатдир. Зеро, мустақилликка эришганига атиги етти йил тўлган мамлакатнинг иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа муҳим соҳалар билан бирга миллий қадриятларга ҳам катта эътибор қаратаётгани, шубҳасиз, таҳсинга лойиқдир.

(ЎзА)

Суратда: сессия пайти. *ЎзА олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО медалини топшириш маросимидаги нутқи

Муҳтарам Бош директор Федерико Майор жаноблари!

Муҳтарам раис!

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало мени ЮНЕСКОнинг юксак мукофоти — халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирлагани учун ЮНЕСКОга чексиз миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу Ғарбнинг барча маърифатли кишилари ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандошим номи билан аталишининг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳаларида башариятга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медаль соҳиби бўлганим билан мен беҳад фахрланаман.

Абу Али ибн Сино орадан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамиятини йўқотмаган «Тиб қонунлари» асари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди.

Федерико Майор жаноблари!

Мазкур медални Сизнинг, миллион-миллион кишилар онгида интеллектуал тафаккур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маънавий мерос, юксак инсонпарварлик ғоялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шаклланган ЮНЕСКО Бош директорининг қўлидан олаётганим менга, айниқса, катта қувонч бағишлайди.

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Бу олий мукофот энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Ушбу юксак ғоялар тантанаси учун мен бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни аямайман. Юксак мукофот учун барчангизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясининг 155-якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи

Ҳурматли Ижроия Кенгаши раиси!

Муҳтарам Бош директор — Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисини Ўзбекистон пойтахтида ўтказиш ҳақидаги таклифимни қабул қилганингиз учун сизларга ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз учун Тошкентда жаҳон фани ва маданиятининг атоқли намояндаларини, таниқли жамоат ва сиёсат арбобларини қутлаш катта қувонч ва шарафдир.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессияси якуний мажлисининг Ўзбекистон мазкур нуфузли халқаро ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо бўлганининг беш йиллиги санаси билан бир вақтга тўғри келгани диққатга сазовордир.

Ижроия Кенгаши мазкур сессиясининг «Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» мавзуида ўтказилаётганида ҳам муҳим рамзий маъно бор.

Шахсан Бош директор Федерико Майор жаноблари олға сурган жаҳон маданияти ғояси ЮНЕСКОнинг кўплаб аъзо мамлакатлардаги фаолиятида тўла равишда рўёбга чиқди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан янги минг йилликнинг биринчи йили — 2000 йилнинг «Халқаро жаҳон маданияти йили» деб эълон қилингани катта аҳамият касб этади.

Менинг назаримда, жаҳон маданияти ғояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам кўп қирралі ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Бу ғоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. **Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан.** Маданиятларнинг шу тарздаги уйғунлашувигина умуминсоний маданият ва бутун цивилизациянинг ғўзаллиги ва қадр-қимматини яратади. Зеро, умумий цивилизация турли халқларнинг маданиятларидан шаклланади.

Миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ўсиб келаётган авлодни, замонавий ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи лозим.

Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва **ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман.**

Бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб, «Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради» деб айтган бўлардим.

ЮНЕСКО шафелиги остида дунёдаги кўплаб мамлакат ва халқларнинг маданият ва инсонпарварлик ғояларини рўёбга чиқаришдаги кенг иштироки одамларни бирлаштиришга, уларни жипслаштиришга, дунёни янада барқарор ва хавфсиз қилишга имкон беради. Ушбу мавзу тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши йўлида бизнинг асосий қуролимиз бўлмоғи лозим.

Бу айрим минтақаларда миллатлараро ва диний қарама-қаршилик кучайиб бораётган, кўплаб хавфхатарлар улкан миқёс касб этаётган ҳозирги даврда бағоят долзарбдир. Бизнинг бу мажлисимиз кўплаб минтақаларда диний, элатлараро ва миллатлараро муросасизлик асосидаги янгидан-янги қуролли можаролар давом этаётган ва авж олаётган бир шароитда ўтмоқда. Афғонистон ва Яқин Шаркда, Болқон ва Африкада бегуноҳ одамлар ҳалок бўлмоқда. Ҳақли равишда башарият маданий меросига мансуб бўлган тарихий ёдгорликлар вайрон этилмоқда.

Буни, айниқса, биз, тоталитар тузум кишанларидан озод бўлган, демократик ўзгаришлар йўлига ўтган Марказий Осиё мамлакатлари чуқур ҳис этамиз.

Биз ядро қуролисиз яшаш та-

(Давоми 2-бетда)

Тожикистондаги воқеаларга доир

Бир неча кундирки, Тожикистон шимолида ҳукумат қўшинлари ва қўзғолончи жангарилар ўртасида ҳарбий тўқнашувлар давом этмоқда. Президент вакили Зафар Саидовнинг айтишича, ҳукуматга содиқ ҳарбий қисмлар Хўжанд шаҳри марказидаги бир неча маъмурий биноларни қайтиб олди. Бир неча юз ҳарбийлардан иборат қўзғолончилар чоршанба куни эрталаб Хўжанд ва унга ўшни Чкаловск шаҳрини қақшатқич жанглар билан ишғол этдилар. Тожикистон шимолидаги энг йирик иншоот — Хўжанд аэропортини ҳам қўлга киритишди. Қўзғолончилар Тожикистондаги фуқаролар уруши можароларига чек қўювчи ўтган йилги тинчлик шартномасига қарши чиқмоқдалар. Шунингдек, улар мамлакатда қайта сайловлар ўтказишни талаб қилишмоқда.

***

Кеча ҳукумат қўшинлари Ленинобод вилояти Айний туманида Маҳмуд Худойбердиев тарафдорларининг катта гуруҳини қуршовга олди. Тожикистон Президенти матбуот хизматидан хабар беришларича, Анатолий Зваригин раҳбарлигидаги 300 нафар жангчи қуршовга олинган. Матбуот хизматидан таъкидлашларича, жангарилар қаршилик кўрсатишни тугатишмас ва ҳукуматга таслим бўлишмас экан, асирлар бутунлай йўқ қилиб ташланади. Ҳукумат қўшинлари қуршов халқасини тобора қисқартириб, бирорта ҳам қўзғолончи қочиб ўтолмаслиги учун барча чораларни кўришмоқда.

***

Тожикистон Республикаси ҳарбий кучлари таркибига киритилган Бирлашган тожик мухолифатининг минг нафар жангчиси мамлакат шимолига жўнатилди. Улар ҳукумат қўшинлари билан биргаликда Маҳмуд Худойбердиевнинг қуролли гуруҳларини бартараф этиш операцияларида қатнашади. Тожикистон Президенти матбуот хизматидан хабар беришларича, Хўжанд шаҳрининг маълум қисмида, Айний ва Ўратепа туманларида қаттиқ тўқнашувлар давом этмоқда. Кеча Имомали Раҳмонов, ҳукумат қўшинлари қуршовда қолган қўзғолончиларнинг бошқа қўшни давлатлар ҳудудига ўтиб кетмаслиги учун барча тезкор чораларни кўради, дея баёнот берди. Президент матбуот хизматидан хабар беришларига кўра, икки кунлик жангдаёқ Худойбердиевнинг қўзғолончи тузилмаларидан минг нафар аскар асирга олинган.

***

Ленинобод вилояти аэропортида ҳукумат қўшинларининг тўла назорати ўрнатилди. Бу ҳақда кеча Тожикистон Президенти чет эл журналистлари билан учрашувда маълум қилган. Шунингдек, давлат раҳбарининг таъкидлашича, Чкаловск шаҳри ҳудудида Маҳмуд Худойбердиевнинг ҳукуматга қарши қуролланган гуруҳлари қолдиқларини тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Имомали Раҳмонов, Ленинобод вилоятининг маъмурий маркази Хўжанд шаҳри тўлиғича ҳукумат қўшинлари назорати остида эканлигини айтди. Қўзғолончиларнинг асосий ҳарбий қучлари Айний, Шаҳристон, Ўратепа туманларида қамал қилинди. Ҳукумат қўшинлари қўзғолончилар қўшни давлатлар ҳудудига ўтиб кетмаслиги учун барча чораларни кўрмоқда, дея таъкидлади Тожикистон давлат раҳбари. Унинг айтишича, тўпланган маълумотларга кўра, Маҳмуд Худойбердиевнинг кўпгина жангчилари Афғонистон урушида генерал Дўстум тарафида туриб урушга кирганлар. Республика ҳукуқ-тартибот идоралари олдида 4 ноябрь куни мамлакат шимоли Ленинобод вилояти ҳудудига полковник Маҳмуд Худойбердиев қўмондонлигидаги 1500 нафар тиштдан тирноққача қуролланган жангарилар қандай қилиб кириб келганлигини аниқлаш вазифаси турибди, деди Тожикистон Президенти.

(«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди)

«Пахтакор» — мамлакат чемпиони!

Футбол мавсумини кўтаринки руҳда ўтказган пахтакорчилар муддатидан аввал мамлакат чемпиони номига сазовор бўлишди. Аслини олганда мавсумнинг якунловчи учрашувида ўзига хос футбол байрами бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Гап шундаки, агар пахтакорчилар ўз майдонларида «Навбаҳор» жамоаси билан ўйинни дуранг ёки бой беришганда чемпионлик тақдири кечиктирилган, «Нефтчи» билан Фарғонада бўладиган учрашувда ҳал бўларди. Лекин мухлисларнинг орзулари рўёбга чиқди. Пахтакорчилар минглаб мухлислари даврасида ажойиб ғалабага эришиб, жами очколарини 75 тага етказган ҳолда чемпион бўлишди. Тўпларни учинчи ва олтмиш учинчи минутда Игорь Шквирин дарвозага йўлладди.

Чемпионлик муборак, «Пахтакор»!

Инсоф тарозуси кимнинг қўлида?

Қўнғироқ

Қиш фаслида ҳам дастурхонимизни ёздагидек безаётган лимон, мандарин каби цитрус мевалари узоқдан олиб келинган дейсизми? Йўқ. Бундай тансиқ неъматлар Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Лимончилик» ширкатида қўлбола тропик иқлим шароитида етиштирилади.

Аҳоли дастурхонини доимо сарҳил мевалар билан тўкин қилишга бел боғлаган халқ селекционери Зайниддин ҳожи Фахрутдинов издошлари мазкур йилнинг тўққиз ойида халқимизга 37 миллион сўмлик лимон ҳамда сабзавот маҳсулотлари етказиб беришди.

50 гектар иссиқхоналарда қишин-ёзин ҳаёт қайнайди. Лимонлар олтиндек товланади. Лекин, мавжуд лимонзорларни бу йил қишқировли кунларда бир маромда яшнаши хавф остида қолиши муаммоси пайдо бўлди. Деҳқонлар юрагига ғулғула тушди. Нега шундай?

Тошкент вилоятида, қолаверса мамлакатимизда ягона деб тан олинган бу хўжалик аҳли нега тушкунликка учради.

«Лимончилик» ширкати 1998 йилнинг 1 июлига қадар Тошкент иссиқлик электр станциясидан иштиёзли нархда 1 гигокалорияга 55 сўмдан иккиламчи иссиқ сув оларди. Ишлар ҳам аъло даражада эди. Нимадир бўлди-ю, Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли «Ўзэнергоназорат» ташкилоти номидан хўжаликка йўлланган хатда мазкур йилнинг июль ойидан иссиқ сув нархи 1 гигокалорияга 1332 сўм миқдорида белгиланганлиги кўрсатилди. 1997 йилда «Лимончилик» хўжалиги аъзоларининг умумий даромади 23 миллион сўмни ташкил этиб, шундан 5 миллион 600 минг сўми 1997-1998 йилларда қишки мавсумда ишлатилган иссиқ сув учун тўланган.

Агар хўжалик бу йил мавжуд иссиқхоналар учун зарур иссиқ сувни оладиган бўлса, бу кўрсаткич 200 миллион сўмни ташкил қилади. Бу ҳол ширкат деҳқонларининг қўлни қўлтиққа уриб кетишларига туртки бўлиб турибди. Хўжалик аҳли ўз имкониятларини ишга солиб 20 гектарлик лимонзорни иссиқлик энергияси билан таъминлайди, холос. Қолган 30 гектарлик майдондаги ҳосил тақдири тезда ҳал этилмаса, катта меҳнат натижаси шамолга соврилади. Чунки, республика Гидрометереология марказининг ҳаво ҳарорати кескин пасайиши тўғрисидаги маълумоти ширкат аъзоларини хавотирга соляпти.

Хўжалик катта қийинчиликлар эвазига маҳсулот етиштириб, 50 миллион сўм атрофида даромад кўрмоқчи эди... Воқеаларни қарангки, биргина иссиқ сув учун 200 миллион сўм пул тўлаш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Бундай зарба — иссиқ сув тўхтатилиши ҳамма мўлжални чиппака чиқарадиган бўлиб турибди. Барча фаолият барбод бўлиши хавфи кўринмоқда.

«Ўзэнергоназорат» ташкилоти раҳбари вазифасини бажарувчи Бахтиёр Ғуломовдан асл ҳолатни аниқлашга уринамиз.

— Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги тасдиқлаган нарх асосида иш юритилаяпти, деган жавобни олдик ундан.

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги мутасаддилари нарх белгилашдан олдин дўппини бир жойга қўйиб, «Лимончилик» хўжалиги маъмурияти билан келишилган шартнома тузиши лозим эмасмиди? Бундай шошма-шошарлик оқибатида туппа-тузук хўжаликнинг белини синдириб, аҳволига маймунлар йиғлайдиган манзарани яратишадими?

Тўғри, иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш керак. Лекин, билиб-билмай энергия нарх-навосини осмон баравар кўтариш инсоф тарозусига тўғри келармикин?

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясининг 155-якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда)

мойилларини эълон қилар эканмиз, айрим қўшни мамлакатларнинг ядро қуролига эга бўлишга интилаётгани, бутун маърифатпарвар инсониятнинг эътирозига қарамасдан оммавий қирғин қуролларини, жумладан, ядро қуролларини синашни давом эттираётгани бизда хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон аҳолисида, айниқса амалда халқаро террорчилик ва диний экстремизм полигонига, дунёвий наркобизнес марказига айланиб қолган Афғонистонда рўй бераётган воқеалар қаттиқ ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Афғонистондаги урушнинг кенг қулоч ёйиш хавфи одатий тушунчадаги давлатлараро чегаралар бўлмаган Марказий Осиё минтақасида олдиндан кўриб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Афғонистон ҳарбий-сиёсий танглик ўчоғи бўлибгина қолмасдан, айни пайтда қурол ва наркотик моддалар тарқатиш манбаи, террорчилар, диний экстремистларни тайёрлаш маркази ҳамдир.

Бу ерда жаҳон цивилизациясидан, умуминсоний қадриятлардан узилиб қолган, қўлидан фақат жанг қилиш келадиган бутун бир авлод вояга етди.

Бизнинг умумий цивилизациямизнинг ажралмас қисми бўлган бу кўҳна заминдаги тарихий-маданий ёдгорликларга уруш туфайли етказилган зарарни аниқлаш жуда қийин. Қачонлардир гуллаб-яшнаган водийлар сахрога, кўплаб шаҳарлар вайронага айлантирилди.

Мен шунга аминманки, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштироки, агар зарурат туғилса, мажбурий аралашувигина Афғонистон фожиасини бартараф этиши, бу мамлакатнинг жафокаш халқига тинчлик ва барқарорликни қайтариб бериши мумкин.

Ён қўшнимиз Тожикистондаги олти йил мобайнида давом этаётган беқарорлик, қарама-қарши томонларнинг ярашиш жараёни секинлик билан кетаётгани бизни ташвишлантирмай қолмайди.

Минтақавий ва маҳаллий можаролар, диний экстремизм, террорчилик, наркобизнес, қурол ва психотроп моддалар савдоси, афсуски, нафақат бизнинг минтақада, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка, барқарорликка таҳдид солиб турибди.

Бу таҳдид йўлига тўсиқ қўйиш, шак-шубҳасиз, ЮНЕСКО мақсадларига мос тушади. Зеро, бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг келажак авлодни "Бутун инсониятнинг интеллектуал ва ахлоқий бирдамлиги" йўли билан уруш даҳшатларидан халос этиш ниятидан келиб чиққан ҳолда тузилган эди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг МОСТ Халқаро дастури элаталараро можаролар ва урушларни бартараф этиш вазифалари билан боғлиқ ҳолда минтақада рўй бераётган сиёсий ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириши мақсадга мувофиқ кўринади.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир.

Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга асраб-авайлаб мерос бўлиб келаётган тарихий ва маданий қадриятларини ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Фақат мустақиллик шарофати ўлароқ, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳдуми Аъзам Косоний каби қўплаб, нафақат бизнинг миллий маданиятимиз, балки бутунжаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг номлари ва хайрли ишлари бутун бўй-басти билан намоён бўлди.

Биз ЮНЕСКО раҳбариятидан тарихий ёдгорликларимизни тиклаш, ўзбек халқига ўзининг ҳаққоний тарихини қайтариб бериш борасидаги ишларда кўмаги ва қўллаб-қувватлагани учун чин дилдан миннатдормиз.

Бунга 1996 йили ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Парижда ўтказилган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзуидаги ҳафталик ёрқин мисол бўла олади. Бу воқеа Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги тарихидаги муҳим босқич бўлиб қолди.

Мазкур сессиянинг ўтказилиши Шарқнинг икки буюк мутафаккири — Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейлари давом этаётган кунларга тўғри келгани ҳам тасодиф эмас.

Қадимий Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Ҳазрат Имом ал-Бухорий нафақат ўзбек халқи, балки бутун ислом оламининг фахридир. Бу буюк инсоннинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, собит ирода намунаси, юксак эътиқод тимсолидир. Ислом оламида Қуръони каримдан кейин энг ишончли манба саналган «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ҳадислар тўплами у зоти шариф башариятга қолдирган улкан мероснинг гултожидир. Бутун дунё мусулмонлари якдиллик билан таъкидлашларича, инсоният яратган китоблар орасида энг буюги мана шу «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»дир.

Қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги тантаналарини нишонлаш ўзлигимизни, қадриятларимизни англаш йўлидаги яна бир воқеа бўлди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси жаҳон маданияти ва маърифатининг бебаҳо хазиналаридан биридир. Фарғоналик улуғ алломанинг «Астрономия асослари» номли буюк асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган эди. Кейинчалик бу асар Италия, Германия, Франция, Голландия, Америка Қўшма Штатларида бир неча марта нашр этилди. Буюк алломанинг хизматлари эътироф этилиб, Ойдаги кратерлардан бирига унинг муборак номи берилди.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги сиз муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзоларининг бевосита ёрдамларингиз, қўллаб-қувватлашингиз шарофати билан биз учун муқаддас бу саналар халқаро миқёсда кенг нишонланди. Биз буни халқимизнинг тарихи, маданиятига ҳурмат-эътибор ифодаси, деб биламиз.

Айнан сизларнинг беғараз ёрдамларингиз, саъй-ҳаракатларингиз натижаси ўлароқ, Тошкентда қадрдонимиз Майкл Барри Лейн бошқараётган ЮНЕСКО ваколатхонаси очилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги мазкур ваколатхона айни пайтда ЮНЕСКОнинг маданий масалалар бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳам саналади. Шахсан Федерико Майор жанобларининг ташаббуслари билан ЮНЕСКОнинг диний ишлар бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси тузилганлигини, бу қўмитада Ўзбекистоннинг ҳам ўз вакили борлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

ЮНЕСКОнинг бевосита васийлиги остида, мутахассислари иштирокида 1997 йилнинг май ойида ўн иккинчи — Халқаро Тошкент киноанжумани ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилди.

Бош конференциянинг 29-сессияси 1999 йилги тадбирлар рўйхатига «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ҳам киритгани ва бу анжуман Тошкентда ўтказилиши қувончимизга қувонч, илҳомимизга илҳом қўшади.

ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» дастури натижаси ўлароқ, Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти ташкил этилди. Мазкур институт Марказий Осиё цивилизацияси тарихини ўрганиши, Марказий Осиё халқлари буюк тарихининг, Шарқ цивилизациясининг ҳали бизга номаълум саҳифаларини очиши, тараққиёт ва янгиланиш йўлига кирган Марказий Осиё давлатларида бугун кечаётган тарихий ўзгаришларни холис баҳолаб, авлодларга етказишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Ўз дастурларини амалга оширишда Ўзбекистонга алоҳида эътибор бераётгани учун биз ЮНЕСКОдан беҳад миннатдормиз. Биргина мана шу жорий йилнинг ўзида ЮНЕСКО йўналиши бўйича Ўзбекистонда кўплаб халқаро ва минтақавий семинарлар ўтказилди. «Бизнес ва банк соҳасидаги янги технологиялар», Марказий Осиёда таълим тизими бюджетини режалаштириш лойиҳаси бўйича иккинчи йиғилиш, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кавказда халқ оғзаки ижодини сақлаш, ногирон болаларни ўқитиш бўйича семинар, фундаментал фанларни ривожлантиришга бағишланган минтақавий анжуман ва бошқа қатор тадбирлар шулар жумласидандир.

Биз ЮНЕСКОнинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримиздаги иштирокини юксак баҳолайлик. Бу обрўли халқаро ташкилот ёрдамида Республика «Устоз» жамғармаси қошида профессор ва ўқитувчилардан юқори малакали педагоглар тайёрлайдиган компьютер ўқув маркази ташкил этилди. ЮНЕСКОнинг Тошкент Давлат университетида физика ва астрономия, Самарқанд Архитектура-қурилиш институтида маданий меросни асраш, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида инсон ҳуқуқлари, демократия ва бағрикенглик, Тошкент педагогика университетида ахлоқ ва фуқаролик таълими кафедралари тармоғини яратиш режалаштирилмоқда.

ЮНЕСКО раҳнамолигида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошида информатикани ривожлантириш маркази ташкил этилмоқда.

Маданият соҳасида ЮНЕСКОнинг Халқаро мусиқа кенгаши Миллий қўмиталари ҳамда ЮНЕСКОнинг музей ишлари бўйича халқаро қўмиталари ташкил этилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро илмий, маданий марказлар билан янада кенгроқ алоқа ўрнатиши учун янги имкониятлар ва қулай шарт-шароит яратади.

Ўзбекистоннинг саноқли мамлакатлар қаторида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши аъзолигига сайлангани бизга билдирилган катта ишончдир ва биз буни юксак қадрлаймиз.

Бу юксак ишончни оқлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Муҳтарам Раис жаноблари!

Ижозатингиз билан икки оғиз бизнинг ЮНЕСКО билан бундан кейинги ҳамкорлигимиз, муносабатларимизни ривожлантириш ва чуқурлаштириш истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтсам.

Биринчидан, биз ЮНЕСКО Бош конференцияси 29-сессиясининг Ипак йўлини ўрганишни давом эттириш ҳақидаги қарорини маъқуллаймиз ҳамда: «Шарқ Ғарб: Марказий Осиёда Халқаро мулоқот» лойиҳасида фаол иштирок этишга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Мазкур лойиҳанинг амалга ошиши минтақамизда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга хизмат қилади, деб қатъий ишонамиз.

Иккинчидан, биз ЮНЕСКОнинг «Умрбўйи таълим ҳамма учун» дастурида бундан кейин ҳам иштирок этишдан манфаатдор эканлигимизни маълум қилмоқчиман.

Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ биз таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик. Айнан таълим миллий давлатчиликни барпо этиш, маънавий уйғониш, иқтисодий юксалиш йўлида пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга мададкор бўлади.

Бу масала бугун ислоҳотларимизнинг энг мураккаб ва масъулиятли тамойили бўлиб турибди. Янги, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишни эплаб кетадиган етук малакали, дунёқараши кенг мутахассисларга биз бугун ҳар қадамда, ҳар дақиқада эҳтиёж сезиб турибмиз.

Ишончимиз комилки, таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида «портлаш самараси»ни беради.

Бизнинг бу масалага ёндошувимиз, стратегиямиз кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримизда аниқ-равшан баён этилган. Узоқ йилларга мўлжалланган бу дастур мактабгача, олий таълим ва ундан кейинги бутун ўқув жараёнини ислоҳ этиш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш чора-тадбирларини қамраб олади.

Дастур жамият тараққиётининг замонавий талабларига, халқаро андозаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган. Янги таълим тизимининг ўзи эса мумкин қадар жаҳон тажрибаларига уйғунлашмоғи керак.

Шунинг учун биз тўққиз йиллик умумий мажбурий таълим билан ўрта махсус ўқув юртлари — академик лицейлар ҳамда профессионал коллежлардаги уч йиллик профессионал таълимни ўзида мужассам этган ўн икки йиллик таълим тажрибасини мақбул кўрдик. Янги таълим тизимининг асосий моҳияти шундаки, у, аввало узлуксиздир, бу тизимда таълим демократлашади, касб эркин танланади.

Биз ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш мониторинги бўйича Осиё тараққиёт банки техник грантларини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи этиб белгиланганини қўллаб-қувватлаймиз. Халқаро андозаларга жавоб берадиган таълим стандартларини ишлаб чиқишда ҳам ЮНЕСКО биздан ёрдамини аямайди, деб ишонамиз.

Олий маълумот, илмий унвонлар, сертификатларнинг Европа мамлакатларида тан олинишини кафолатловчи ЮНЕСКО Конвенциясига Ўзбекистоннинг тезроқ қўшилиши биз учун ўта муҳим масаладир. ЮНЕСКО бу борада ҳам бизни қўллаб-қувватлашидан умидвормиз.

Мактаб, лицей, коллежларимизда ЮНЕСКОнинг мақсади, вазифалари ва аҳамиятини очиб берувчи махсус ўқув дастурлари ўқитилиши ҳақидаги таклиф бизга маъқул бўлганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Зеро, тинчлик, адолат, умумбашарий тараққиёт ғояларини қарор топтиришда бу халқаро ташкилотнинг хизмати ниҳоятда катталигига шак-шубҳа йўқ.

Биз асосий мақсади қўшма лойиҳалар орқали тинчлик, демократия, бағрикенглик ва тотувлик ғояларини тарғиб этиш бўлган ЮНЕСКО ҳамкорлашган мактаблар Рўйхатига киритиш учун ўрта мактабларимиз сонини янада кўпайтиришдан манфаатдормиз.

Учинчидан, ўзбек халқининг умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонлари, шунингдек, жаҳон тарихи ва маданиятининг дурдоналари саналган шаҳарларнинг тўйларини ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиш борасида сўнгги йилларда талай тажриба тўпладик.

Биз бу ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бу эзгу ишларга ўз халқимизга унинг тарихий хотирасини қайтариб бериш имкониятлари билан бир қаторда инсонпарварлик ғояларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қараймиз.

Шу билан бирга, бундай таваллуд саналари фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги халқлар учун ҳам маданий ва тарихий аҳамиятга молик эканини назарда тутамиз. Бундай тадбирлар келажак авлодни тарбиялашда ҳам улкан аҳамият касб этади. Биз бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшларимизни янги қадриятлар асосида тарбиялаймиз, уларнинг қалбига тарихий ўтмишга ҳурмат билан ёндошиш, уларни авайлаб-асраш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғуларини сингдирамиз.

Шубҳасиз, 1999 йилда ЮНЕСКО шафелигида туркий халқлар достони «Алпомиш»нинг минг йиллигининг нишонланиши ҳам барча туркийзабон халқлар учун улкан байрам бўлади.

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, Шарқнинг беназир мусаввири Камолиддин Беҳзоднинг 2000 йилда нишонланадиган 545 йиллик юбилейи ҳам дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлайман. Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври дининнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умуминсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз. Бу Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги юбилейларидир.

Умид қиламизки, ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши ва Бош Конференцияси бу саналарни нишонлаш борасидаги бизнинг ташаббусларимизни қўллаб-қувватлайди.

Тўртинчидан, мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу — турли динга мансуб бўлган халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир.

Бу Яқин Шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қараш вакиллари ўртасида муросасиз кураш тўхтамаётган, Болқон, Шимолий Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа ҳудудларда этник ва диний қарама-қаршилик минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда беқиёс аҳамиятга эга бўлур эди.

Айни вақтда инсоният тарихи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам билади. Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яҳудолик, буддийлик ва бошка кўҳна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган.

Ўзбекистонда турли диний оқим ва конфессияларнинг мавжудлиги ҳам шу билан изоҳланади. **Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз.**

Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган. Аксинча, Бухоро яҳудийлари ислом таълимотига салмоқли ҳисса қўшган, исломий маданиятнинг асосчиларидан бўлган ўзбеклар билан иноқликда яшаганлар.

Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар ва конфессиялар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ёндошишини намоён этиб келган.

Этник, маданий ва диний хайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатларидан бирига айланган.

Ўйлайманки, турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин.

Бешинчидан, бизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам яхши самара бериши мумкин.

Бугун, XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният дардига айланди. Шу боисдан уни фақат халқаро ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин.

Бунга инсоният тарихидаги энг катта экологик ва инсонлар ҳаётига дахлдор бўлган фожеалардан бири — Орол муаммоси ёрқин мисол бўла олади. Бир авлод кўз ўнгида бутун бир денгизнинг ҳалокатга юз тутиши ҳали тарихда бўлмаган.

Орол фожеаси минтақавий муаммодан умумбашарий фожеа даражасига кўтарилди. Унинг таъсири бугуннинг ўзидаёқ экологик ва биологик мутаносибликнинг бузилишида, жуда катта ҳудуддаги аҳолининг генафондига хавф солаётганида яққол сезилмоқда.

Орол бўйида яшаётган аҳоли нафақат ўз ҳукуматлари томонидан бериладиган аниқ ва самарали ёрдамга, балки халқаро ташкилотлар, бутун дунё ҳамжамиятининг кўмагига муҳтождир.

Биз ЮНЕСКО Бош директорининг Орол денгизи муаммоси бўйича бу ташкилотнинг Халқаро илмий маслаҳат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, халқаро илмий ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари Орол денгизи ҳавзасидаги сув-экология муаммоларини ҳал этишга амалий таъсир қилади.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндошишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз. ЮНЕСКО маънавий уйғониш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун имконият яратиб бераётган ташкилотдир. Мен Ижроия Кенгаши аъзо мамлакатларининг барча вакилларига бизнинг ғоя ва таклифларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларнинг мазкур сессия доирасида муваффақиятли ва самарали ишлашингизни, шунингдек, саховатли, меҳмондўст ўзбек заминида ўтадиган кунларингиз кўнгилли ва фойдали бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Келажагимизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан бугунга боғлиқдир. Учинчи минг йилликда яшаб, ижод қиладиган авлодлар бугун дунёга келмоқда, тарбия топмоқда. Уларнинг камолга етиши, келажаги қандай бўлиши бизу сизга, ҳаммамизга боғлиқ. Сайёрамизнинг эртаси, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир халқ ва бутун бир миллатларнинг келажаги ҳам сиз билан бизга боғлиқ.

Бугунги дунёнинг моҳияти, шакли-шамойили шундай. Дунёдаги барча ташвиш ва умидларимиз ҳам шунга хос. Чин дилдан барча эзгу орзуларимиз рўёбга чиқишини тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

вор бўлгани билан Ислом Каримовни қутлади ва олтин медални Ўзбекистон Президентига топширди.

Халқаро ҳамжамиятнинг энг обрўли ташкилотларидан бўлмиш ЮНЕСКО Низомининг биринчи бандида шундай деб ёзиб қўйилган: «Уруш ҳақидаги фикр одамларнинг онгида туғилади, бинобарин, инсоният тафаккурида тинчликни ёқлаш ғояларини илдиз оттирмоқ лозим».

ЮНЕСКОнинг Ватанимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжумани ҳам шу асосий мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Зотан, иккинчи жаҳон уруши оловининг тафти ҳали босилмаган олис 1945 йилнинг 16 ноябрида тузилган ЮНЕСКО ташкилоти ўшандан буён она сайёрамизда тинчликни сақлаш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда ЮНЕСКОнинг асосий роли таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл-заковати эришган ютуқларни дунё бўйлаб ёйишдан иборат бўлди. Қонли курашларга ғарқ кечган XX аср охирига келиб инсоният бахтли тақдир фақат ўз қўлида эканлигини англаб етди.

Эндиги вазифа эса инсониятнинг тинчликни сақлаш ва халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Сессия иштирокчиларининг чиқишларида ҳам шунга интилиш ва ишонч бўртиб кўринди.

Сессияда сўзга чиққан Уругвай вакили Туронзамин ўрта асрларда ҳам Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк бўлиб келганини таъкидлади. Бугунги Ўзбекистон олиб бораётган ишлар эса бу юрт яна қадимги шаён-шавкатига эришиш йўлидан бораётганини кўрсатмоқда, деди. У дунёвий маданиятнинг шаклланишида Ўзбекистон каби давлатлар тажрибаси айниқса муҳим ўрин тутиши, бинобарин, улардан ўрганиш фақат фойда келтиришини айтди.

Франция вакили эса фаранглларнинг кўпчилигида қизиқ одат борлигини, жумладан, ўзи ҳам доим олис ва ғаройиб мамлакатларни кўриш орзуси билан яшашини эътироф этди. Ўзбекистон ҳам ана шулар жумласидандир. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги каби бетакрор обидаларни барпо этган, бой маънавий меросга эга юрт, ўз тарихи билан ҳар қанча фахр этса ҳақлидир, деб таъкидлади нотиқ.

Табиийки, таълим, фан ва маданият ташкилоти бўлган ЮНЕСКО сессияси иштирокчиларининг аксарияти олимлардир. Улар Президент Ислом Каримов китобларини ўқиб, уни шу маҳалгача фақат назариётчи сифатида билганларини, энди Ўзбекистон билан танишиб, бу ерда ўтказилаётган ислоҳотлар ва уларнинг илк натижаларидан бохабар бўлиб, Ўзбекистон Президенти фақат назариётчи эмас, балки изчил амалиётчи ҳам эканлигини эътироф қилдилар.

Сессия иштирокчиларидан бири «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни келгуси минг йилликнинг кишисидир, дея ишонч билан таъкидлайман», деди.

Барча маърузаларда Ўзбекистон қадимий маданият бешикларидан биригина эмас, айни чоғда халқларнинг тинч-тотув яшаши, маънавий меросга муносабат нуқтаи назаридан бугунги замон давлатларининг кўпига ўрнак бўларли жамият ҳам экани қайд этилди.

Сессиянинг якуний йиғилишида иштирокчи давлатлар вакиллари Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо-мамлакатлардаги фаолияти» мавзуидаги ҳужжат юзасидан ўз фикрларини билдирди. Йиғилиш иштирокчилари томонидан қабул қилинган ва келажакда Тошкент декларацияси деб ном олишга ҳақли суратда номзод бўлган мазкур ҳужжат «Ўзбекистоннинг бой тарихий меросидан ва унинг ўз маънавий қадриятларини демократия ва тинчлик руҳида сақлаб қолиш ва ривожлантириш истагидан илҳомланиб» деб бошланган. Тошкент декларацияси, агар шундай дейиш жоиз бўлса, инсониятнинг кейинги минг йилликка қўйиладиган қадами дунёвий маданиятга асосланган, уруш, зўравонлик ва ижтимоий тенгсизлик каби иллатлардан холи бўлишига ишонч ва умид руҳи билан суғорилган.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши шу куни ниҳоясига етди.

Мусулмон НАМОЗ (ЎзА)

Обуна мавсуми: судралаётганлар кимлар?

ХДП хабари

5 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия матбуот нашрларига 1999 йил учун обунани ташкил этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятлари партия кенгашлари биринчи котиблари С. Раҳимов, Ж. Нуруллаев, С. Аъзамов ва Самарқанд вилояти партия кенгаши иккинчи котиби М. Когайларнинг мазкур партия ташкилотларида обунанинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Партия даврий нашрларига обунанинг бориши тўғрисидаги, Ишчи гуруҳига тақдим этилган, тезкор маълумотлар таҳлили маҳаллий партия ташкилотларининг ушбу жабҳадаги ишлари аҳволи ташвишли эканлигидан далолат бермоқда. Жорий йилдаги обуна суръатларининг ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан тахминан икки марта пастлиги буни тасдиқлайди. Айниқса, юқорида санаб ўтилган партия ташкилотларининг бу ишга «ҳиссаси» катта. Чунончи, «Ўзбекистон овози» газетасига обунани уюштириш юзасидан назорат рақамларининг шу йил иккинчи ноябрь кунигача бажарилиши республика миқёсида ўртача 4,6 фоиз, Андижон вилоят партия ташкилотида — 3,1; Бухорода — 3,0; Навоийда — 3,1; Самарқандда — 2,1; Тошкентда — 1,2 фоизга тенг бўлди, холос. «Голос Узбекистана» газетасига, тегишлича, 6,8; 2,0; 5,7; 4,0; 2,1 фоиз (республикада — 6,9). «Мулоқот» журналига атиги 2,9; 1,6; 2,1; 7,8; 1,0 (мамлакат бўйича — 6,0) фоизни ташкил этди.

Хусусан, Бухоро, Навоий, Қорасув, Янгийўл шаҳар, Олтинкўл, Асака, Қўрғонтепа, Улуғнор, Жондор, Қоровулбозор, Конимех, Қизилтепа, Нурота, Томди, Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Нарпай, Нуробод, Пайариқ, Пахтачи, Челак, Оққўрғон, Охангарон, Бекобод, Қуйичирчиқ, Янгийўл туман партия кенгашларида ачинарли аҳвол юзага келди. Олот, Каттақўрғон, Тойлоқ, Бўка, Қибрай, Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ партия ташкилотларининг эса бу муҳим ишни умуман бошламаганликларини изоҳлаш қийин.

Мажлисда таъкидланганидек, бундай аҳволнинг асосий сабаблари — партия матбуот нашрларига обунани муваффақиятли ўтказишнинг муҳим сиёсий аҳамиятини партия фаолларининг бир қисми томонидан етарли даражада идрок этилмаганлиги, жойлардаги ташкилотчилик ишларининг суслиги, шунингдек, ХДП вилоят кенгашларининг ушбу соҳага доир вазифаларини сурункасига бажармаётган маҳаллий ташкилотлар раҳбарларига нисбатан талабчанлигининг мутлақо йўқлигидадир. Баъзи бир партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари котиблари обуна билан боғлиқ масалаларнинг ечимини топишга астойдил интилиш, ушбу мураккаб ишга олдиндан тайёргарлик кўриш ўрнига иқтисодий, молиявий, бошқа қийинчиликларни рўкач қилиш йўлидан бормоқдалар. Бироқ, бундай қийинчиликлар бошқа минтақаларда ҳам мавжудлигига қарамасдан, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё ва қатор бошқа партия ташкилотлари яхши натижаларга эришмоқдалар-ку! Демак, сабаб, аслида, мавжуд умумий қийинчиликларда эмас. Зеро, улар ҳамиша бўлган ва, ўйлаймизки, бундан кейин ҳам уларнинг бўлиши турган гап. Бас, шундай экан, гап фақат топширилган иш учун масъулиятни теран англашда, фидокорона ва самарали ишлай билишда, давр талабларига яраша қадам ташлаш тўғрисида бормоғи лозим.

Марказий Кенгаш Ишчи гуруҳи партия газеталари ва журнали, мамлакатимизда чиқарилаётган бошқа матбуот нашрларига давом этаётган обуна мавсумини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш учун тегишли чора-тадбирларни кўриш тўғрисида Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилотларига тавсиялар берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бу дунёнинг ишлари

Кобулга қайтиш ниятида

Афғон толибончилари раҳбарлари Кобулда 10 та халқаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини тиклашга рухсат этди. Халқаро ташкилотлар толибонлар талабларига кўра махсус биноларда иш юритишга розилик беришган. Аммо, бу маълумот халқаро ташкилотлар томонидан расман тасдиқланмаяпти. Шу йилнинг июль ойида 20 та халқаро ташкилот бинолардаги энг оддий қулайликлардан маҳрум этилгач, Кобулни тарк қилган эди.

Қўпорувчиликда айбланади

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Россия ҳукуматига курд сепаратчилари ишчи партияси раҳнамоси Абдулла Оджаланга мамлакат ҳудудидан бошпана бермасликни сўраб расман мурожаат этди. Россия Давлат Думасида депутатлар Оджаланга мамлакатдан бошпана бериш учун Президент Ельцинга мурожаат этишганидан сўнг Анқара шундай қарорга келган. Туркия О

Ҳафталик кўрсатувлар

ДУШАНБА 9

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Соҳибқирон юрти».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Муҳаббат қиссаси». Теленовелла.
13.10 «От». Мультфильм.
13.20—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Учрашув».
18.35 «Олам ва одам».
18.50 «Эл тинчлиги йўлида».
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Ҳиёнатлар ҳалқасида». 4-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин тулпор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
22.05 «Бободеҳқон, Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
22.35 Зиё Нажимий. «Занжирбанд шер». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мультфильм).
18.40 «Хонадон».
18.55 «Сурур».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ёшлар куйлаганда».
21.05 «Ҳудуд».
21.35 Араб эстрадаси.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Қирувчи».
00.10 Спорт-қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Мухлис — ТВ.
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Чуст жилолари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 Телефакт.
22.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.35 «Даракчи».
22.45 Спорт-тайм.
23.15 «ТТV-мюзик».
23.35 «Минг бир ҳикмат».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Саргузашт фильмлар экрани.
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.50 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.50 Лариса Гузеева «Аёллар тарихи» дастурида.
19.20 Кумушранг серия. Пьер Ришар «Соябон санчиғи» комедиясида.
21.00 «Время».
*
21.30 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 127-қисм.
22.15 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.20 «Замонавий дизайн».
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 Тунги сеанс: «Тош юрак». Бадиий фильм (Франция). Бош ролда — Ален Делон.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35—01.40 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 10

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкентда байрам онлари».
8.55 «Созимда диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
9.20 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
9.40 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бинокор».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Томчи».
11.15 «Мактублар — кабутарлар».
11.35 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 Кундузги сеанс. «Қамтарин қулингиз». Бадиий фильм.
13.25 «Телевизион миниатюралар театри» пахтакорлар ҳузурида.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Пахтакор».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Усмирлар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Ҳунарманд». Тележурнал.
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Тақдир фожиаси». 5-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Етти хазина».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин тулпор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
22.10 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.40 «Миллий таълим уфқлари».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Фарғона вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15 Зиё Нажимий. «Занжирбанд шер». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 2-қисм.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мультфильм).
18.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Бугун — Жаҳон ёшлари куни».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ёшлар ва спорт».
20.45 «Болливудга нигоҳ».
21.00 «Меҳр кўзда». Қашқадарё вилоятидан тайёрланган.
21.25 Суҳбатдан кейинги суҳбат.
21.40 «Бугун — Жаҳон ёшлари куни».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Сўнгги юриш».
00.20 Хайрли тун!

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Учрашув». Ғайрат Убайдуллаев.
22.25 «Янги ой чиққан кеча».
22.45 «Даракчи».
22.55 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.15 «Бу — джаз».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Фильмофонд хазинасидан. «У замонлар ўтиб кетди».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 128-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.45 «Моҳир».
23.00 «Вести».
23.30 «Польшага назар».
23.45 «Ахборот» (рус тилида).
00.10 Тунги сеанс: Мики Рурк ва Роберт де Ниро «Фариштa юраги» психологик триллерида.
02.00—02.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 11

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Лирик тароналар.
9.00 «Саломат бўлинг». Спорт дастури.
9.20 «Замин фидойилари».
9.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
11.20 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
11.30 «Акс садо».
12.05 «Тасвирга кўчган кўнгил».
12.20 Кундузги сеанс: «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм.
13.40 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телефестивали.
14.10—14.35 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Нима бўпти» лақабли бегемот». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кузги». Тележурнал.
18.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Жалолиддиндан сўнг». 6-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.25 «Мусиқа ва замон».
22.00 «Элга кирсанг, элдек бўл».
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин тулпор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
«Тунги ҳамроҳ».
22.50 «Билим-ринг».
23.30 «Янги авлод».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Спорт майдончаси», Мультфильм).
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгил очар дастури.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс».
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.45 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.45 «Рақслар қанотида».
21.05 Авторейд.
21.15 «Эркин фикр».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 Сиз севган хонанда: Охунжон Мадалиев.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Ҳаммаси мода ҳақида.
22.50 Синема. «Важоҳат».
00.20 Хит-коллекция.
00.40 Хайрли тун!.

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий танаффус.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Хайрли оқшом».
22.20 «Севаман, жоним элим».
22.35 «Даракчи».
22.45 «Нурли мавж».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 129-қисм.
22.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
23.00 «Вести».
23.30 «Бу бўстон аро...».
23.50 «Ахборот» (рус тилида).
00.15 Тунги сеанс: «Корсиканча анъаналар». Кинокомедия.
01.35—01.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 12

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Шаҳринг озода бўлсин».
9.05 «Талаба ва спорт».
9.25 «Маърифат маскани».
9.50 «Инсон ва шер». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Теран томирлар».
10.30 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.50 «Жараён».
11.10 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 Кундузги сеанс. «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
13.40 Ёш ижрочилар концерти.
14.10—14.40 Каратэ бўйича жаҳон чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Дунё адабиёти».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мулкдор».
21.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин тулпор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
22.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
22.30 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.50 «Сомон йўли».
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мультфильм).
18.40 Мушоира.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Мезон».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Одобнома».
20.45 «Ёшлар» телеканалида.
20.50 Шарқ эстрадаси.
21.05 Мутойиба.
21.25 Баҳс, мунозара, таҳлил.
21.45 Ёшлик наволари.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.50 Синема. «Ҳайр, ширин орзулар» (Покистон). 1-серия.
00.05 «Жаҳон жанговар санъати» (рус тилида).
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.20 «Билиб қўйган яхши».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ханда дукони».
21.25 «Довюраклар». Телесериал.
22.15 «Яхши кайфият».
22.45 «Даракчи».
22.55 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 «Видео-О».
01.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Эслашлари учун...». Ролан Биков. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 130-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Глинка 44».
22.40 «Спорт клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси». Орнела Мути.
23.50 Кинематограф: Орнела Мути «Биринчи муҳаббат» фильмида.
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55 Тунги сеанс: «Рим империясининг емирилиши». Бадиий фильм. 1-қисм.
03.25—03.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
8.55 «Умр мазмуни».
9.15 «Банкоқдан Сиднейгача». Спорт дастури.
9.35 «Меъёр».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Халқ ижодиёти».
11.00 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.20 «Маслак ва мақсад».
11.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.05 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Пахтакор».
14.10—15.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.25 «Имконият».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Қалб минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
21.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин тулпор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
22.30 «Дўстлик тароналари». З. Каримова.
22.55 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.25 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Қизиқарли хабарлар, «Дунё ва болалар», Мультфильм).
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.45, 20.30, 22.30 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 Автосалтанат.
20.45 «Бизнес доктор».
21.15 «Интерспорт».
21.30 Мусиқий клип-антракт.
21.35 «Азизим».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 Синема. «Ҳайр, ширин орзулар» (Покистон). 2-серия.
23.45 Мусиқий сарҳадлар.
24.00 Спорт қитъаси.
00.30 «Мунаввар тонг истаб».

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Жозиба».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Адабий иқлим».
22.00 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.20 «Даракчи».
22.30 Спорт оламида.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Тунги сеанс: «Панагиянинг ўгирланиши».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Чип». Қисқа метражли бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Муҳжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 131-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Сизнинг адвокатингиз».
22.40 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Марти» (1955 йил). Бадиий фильм (АҚШ).
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 Тунги сеанс: «Рим империясининг емирилиши». Бадиий фильм. 2-қисм.
03.10-03.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.
9.25 «Хатларда — ҳаёт акси».
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Ғазалхон ёшлигим».
10.25 «Очиқ дарс».
10.45 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.45 «Эй, умри азиз».
*
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 «Фан ва тараққиёт».
13.00 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.30 «Зийнат».
13.55 Кундузги сеанс: «Яна ўша Насриддин». бадиий фильм. 1-серия.
14.45—15.15 «Вилоят хонандалари куйлайди». Мусиқий дастур.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.45 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.15 «Ҳамма кўриши шарт эмас...». Мусиқий дам олиш дастури.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Куй ва тасвир».
23.55 «Нил дарёсидаги олишув». Бадиий фильм. 1-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Ёшлар куйлаганда».
10.00 «Нигоҳ».
10.15 «Нафосат».
10.30 «Сурур».
10.35 «Сир».
10.50 Ёшлар ва спорт.
11.00 Ракурс.
11.25 «Болливудга нигоҳ».
11.40 «Меҳр кўзда». Қашқадарё вилоятидан тайёрланган.
12.05 «Рақслар қанотида».
12.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.10 «Эркин фикр».
13.30 Сиз севган хонанда: Охунжон Мадалиев.
13.50 Бизнес-доктор.
14.20 «Синбад». Телесериал.
15.05 «Жаҳон жўғрофияси».
15.50 Шу куннинг мавзуси.
16.10 «Синема».
17.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Боланинг тили», Мультфильм).
18.40 «Дилбарим».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Интерфутбол.
19.40, 20.30, 22.35 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.35 «Туйғу».
20.55 Бизнес академия.
21.10 «Ёшлар» телеканалида «Оқ қуш» видеофильмининг премьераси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Мусиқий клип-антракт.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 Синема. «Бэтман». 1-серия.
00.30 «Сенинг вақтинг».
00.50 Хайрли тун!

ТТV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультфилм.
8.20 «Туризм ҳақида».
8.50 «ТВ ва театр».
9.10 «Янги ой чиққан кеча».
9.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.15 Дилором наволар.
10.25 Болажонлар экрани.
12.05 «Муаллиф».
12.35 «Бева Бланка». Телесериал.
13.20—13.35 «Умрбоқий мерос».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Ёввойи табиат».
19.20 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таянч».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Хобби-холл».
22.15 «Ҳамшаҳарлар».
22.35 Гиннес-шоу.
23.00 «Даракчи».
23.10 Эълонлар ва оҳанглар.
23.15 «Кинонигоҳ».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси». Орнела Мути.
9.25 Орнела Мути. «Биринчи муҳаббат» фильмида.
10.55 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
11.25 «Айчурек».
11.45—12.30 «Биргаликда куйлаймиз».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Кузмунчоқ».
19.10 «Тасвир-98».
19.25 «Чинсэн».
19.55 «Тенгдошлар».
20.10 «Ғузаллик ва мангулик ҳақида».
20.30 «Мусиқий олимп».
*
Россия жамоат телевидениеси
21.00 «Время».
21.45 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*

ЯКШАНБА 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«Умид» намойиш этади:
9.15 «Талабалик йилларим».
9.35 «Оқибат».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мен билган, билмаган дунё».
11.25 «Орзулар қанотида».
11.45 «Анъаналар этади давом». Мусиқий дастур.
12.15 «Ҳамроз».
12.55 Кундузги сеанс: «Яна ўша Насриддин». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Болалигим — пошшолигим».
14.15 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
14.30—15.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас...» Мусиқий-дам олиш дастури.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телеўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 Экран куйлари.
19.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.55 «Элга кирсанг, элдек бўл».
22.20 «Алпомиш ўйинлари фестивали». Спорт дастури.
22.40 ТВ—1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.55 Кино янгиликлари.
23.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.30 «Нил дарёсидаги олишув». Бадиий фильм. 2-серия.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 Ёшлик наволари.
10.05 «Лаззат».
10.20 «Мезон».
10.35 «Мутойиба».
10.55 «Оқ қуш». Видеофильм.
11.45 Цирк, цирк, цирк.
12.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.00 Интерфутбол.
13.40 «Буни кино дейдилар». Телесериал.
14.05 Шарқ эстрадаси.
14.20 «Синбад». Телесериал.
15.05 Жаҳон жўғрофияси.
15.50 «Синема».
17.20 Шабнам.
17.40 «Дунё ҳафта ичида».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус», Мультфильм).
18.40 «Остонадаги орзулар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нафосат».
19.35, 20.25, 22.55 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 «Синфдош».
21.00 «Турфа олам».
21.30 Миллионлар ўйини.
21.45 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Қалб таронаси». Равшан Комилов.
22.40 «Кинопрофи».
23.00 Синема. «Бэтман қайтмоқда». 2-серия.
00.50 Хайрли тун!

ТТV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Кичкина деманг...».
8.25 Дилором наволар.
8.35 «Латифа».
8.50 «Дурдона».
9.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.45 «Мусиқий майдонча».
10.05 «Минг бир ҳикмат».
10.10 «Бева Бланка». Телесериал.
10.55 «Усто». Телелавҳа.
11.05 «Бир ҳамдард истар кўнгил».
11.30—13.10 Такрорий фильмлар экрани.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Дилором наволар.
18.15 «Латифа».
18.30 «Мультжумбоқ». Телевизион ўйин.
18.50 «Жавоҳирлар соҳили».
19.10 Мухлис-ТВ.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Таманно».
20.20 «Етти иқлим оҳанглари».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Талабларга биноан...»
22.10 «Фаолият».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Кинонигоҳ».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Марти». (1955 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
12.55 «Табиат билан танишув».
13.05—13.15 «Умид».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
*
Россия жамоат телевидениеси.
19.05 «Аралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
19.20 «Олтин серия». «Огарева, 6» фильми.
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
21.35 «Таъзим».
21.55 Мюзик-холл.
22.15 «Таҳлилнома» (рус тилида).
22.45 Якшанба кинозали: «Машаққатли йўл». Бадиий фильм.
00.15—00.20 Тунингиз осуда бўлсин!

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги ГИЛАМЛАР, СЎЗАНАЛАР, КАШТАЛАРНИ қимматбаҳоларда СОТИБ ОЛАМИЗ

«Ориентир» этнография нашриёти.
Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 136-01-68
Бошқа ҳудудларда шоҳчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз
Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151
Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига қарашли Тошкент чўтка ва картон ўқув маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати чекланмаган миқдорда сотади:
Ҳужжатлар тикиб қўйиладиган папкалар — 1 донасинине баҳоси 9 сўм 60 тийин.
Қоғозлар учун папкалар — 1 донасинине баҳоси 11 сўм 60 тийин.
Шунингдек, исталган шакл ва ўлчамдаги картон маҳсулотлари шарт

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

Шеър ва шуур

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Ёришиб борадир осмоним

Султон, қаҳрингни бер

«...Тенгсиз кучлар тўқнашган жангда мағлуб бўлган Жалолиддинга унинг онаси, хотини ва бошқа аёллар фарёд қилдилар:

«Оллоҳни ўртага қўйиб илтижо қиламиз, «Бизни ўзинг ўлдириб асирликдан қутқар!»

У ноилож барчасини сувга чўктиришни амр этди».

Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий.
«Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти»дан.

Султон, қаҳрингни бер,
Қаҳрланайлик,
Сўкилсин осойиш кўнгилнинг чоки.
Султон, заҳрингни бер, заҳарланайлик
Беморлиз, бу заҳар соғийтсин токи.

Ёронлар!
Биз ҳам би-ир султонланайлик
Унинг йўлбарс руҳин ўзга ўткариб
Бўлайлик султонга суюкли қайлиқ,
Султоннинг онаси бўлайлик, ғариб...

Ҳатто
Ҳаёлидан боряпман ўрлаб
Бизда-да би-ир яшаб, кўкарсин султон.
Дунёга ларзалар соларак, гурлаб
Туркий қавмларни кўтарсин султон!

Қодир Оллоҳ,
Бир бор кечсин шундай ҳол,
Кейин
Кейин майли, не ғам чекдирсин.
Ёғий оёғида қилмасдан поймол
Бизни онасидай...
Хотинидай бизни...
Дарё сувларида ўзи чўктирсин.

Юксалишга маҳкумлик

Масъулмиз ё
Ё мажбурмиз дебмас
Маҳкуммиз деб бу ҳолга ёндош
Энди ерда судралмоқ эпмас,
Энди ердан кўтарилди бош!

Боз эгилса
Бош учар тошдай,
Боз эгилса, биз ўзи киммиз?!
Айрилмаслик учун ҳам бошдан
Энди юксалмоққа маҳкуммиз!

Эй чирмашган!
Қудратлан, куч топ,
Юксак дарахт — чақир тикан ҳўл.
Маҳкумлик бу — муқаррар азоб.
Озодликка олиб чиқар йўл!

Юбормайман

Майсаландим, оёғингни бос,
Лаҳзани йиллайман, ушлайман.
Ёйиламан бўлиб поёндоз
Сени севиб, сени хушлайман.

Ёришиб борадир осмоним
Лаҳзаларни тишда тишлайман.
Оёғингда поёндозман-у
Нечун учаётган қушдайман.

Гарчанд-ки йўл ўлим, жар томон
Ўзни қўйсам-да хатарларга
Ҳали сени кў-ў-ўп тўхтатаман.
Юбормайман Сени жарларга!

Илтижо

I

Бошимдан фалокат тоши тўкилди,
Менга кўп нарсани ундирди бу ғам.
Мени-ку билмайман, мени не қилди?
Онамни тамоман чўкдирди бу ғам.

Билмам, қай куч билан бу ғамни чекдим,
Қандоғам чидадим ўтмас тиғига.
Сочим, тиш, кўрларим кетди, кўникдим
Кўнмасман, онамнинг кетмоқлигига.

Оҳ десам, оҳларим оққай, эшилгай,
Оллоҳим, сен қодир, мен — камни қутқар.
Мен деб ғам ўқидан кўкси тешилган
Чўкиб бораётган кемамни қутқар!

II

Мен унга келганда бўлдим қизғанчиқ,
Ундан йироқ куним кўксимда санчиқ.
Мен змас, у менга бўлди суянчиқ,
Онамни четроққа берма, Оллоҳим!

Қайғу, қир-ўрини сезиб ҳидидан,
Ғам чиқар мўрини сезиб дудидан.
Уни опқочдим, ўп, руҳ, вужудидан,
Онамни титроққа берма, Оллоҳим!

Кунига би-ир ярай,
Уни менга бер,
Йўлида кўкарай, уни менга бер.
Ғўдакдай кўтарай, уни менга бер.
Онамни тупроққа, берма, Оллоҳим!

Менга дуч келиб қолса

Менга дуч келиб қолса
Йўлбарс чиқар инидан.
Шаҳд, сурони йўқолиб
Сирларидан айтади.

Менга
Дуч келиб қолса
Пичоқ чиқар қинидан.

Пичоқ ҳовурдан тушар,
Пичоқ дами қайтади.

Дуч келди...
Куйди ойим...
Ойдай юзин бурмади.
(Сени сақлаш учунми)
Менга қодир худойим
Сени йўлиқтирмади...

***

Ким ёғадур,
Ким тинди, Ватан.
Ким хору ким севинди, Ватан.
Биз ёмғирдай
Ёққандик кеча,
Ерларингда не унди, Ватан?!

Нафақат

Нафақат...
Ўтсанг ёзиб,
Куз янглиғ сўлиб, озиб,
Бозилларган чўғ босиб
Кўрдаям ҳайқиролсанг
Демакки сен шоирсан.

Олтинми
Ё олмосда,
Тиғда юролсанг, рост-да,
Итқитса, оёқ ост-да,
Тўрдаям ҳайқиролсанг
Демакки сен шоирсан.

Нафақат
Кўтарса халқ,
Кўксингдан итарса халқ,
Пешонанг номакоб, талх
Шўрдаям ҳайқиролсанг
Демакки сен шоирсан.

Нафақат
Зар, зўрларни,
Узсанг, тўсин, тўрларни,
Чайқалтирсанг гўрларни
Гўрдаям ҳайқиролсанг
Демакки сен шоирсан.

Отлар бўлса эгарланган

Шундай. Яна йўлдадирмиз
Отларимиз эгарланган.
Юракми,
Юракдан айтма,
Юрагимиз чегаланган.

Шу дарз кетган юрак билан
Ҳаёт дарзин чегалаймиз.
Иншоолоҳ, гуркираган
Соғ дилларни эгаллаймиз.

Ҳаёт дарзин чегалаймиз.

Ажабо, бу тўқлик қайдан
Нега,
Гарчанд маҳзун наймиз
Нега Темур қайтгандайин
Турон юртга эгадаймиз.
Ажабо, бу тўқлик қайдан?!

Нега ҳамон ачишар тиз,
Зирқирайди ёдларимиз.

Муҳими шу — Тўмарисмиз,
Эгарланган отларимиз,
Нега ҳамон ачишар тиз?

Айру тушмасмиз ҳеч қачон
Гарчанд юрак чегаланган.
Юракдаги дод бўлса эрк.
Отлар бўлса эгарланган.
Эгарланган от бўлса — Эрк.

Айру тушмасмиз ҳеч қачон!

Тўртликлар

***

Йўламанг бозорда хумо ё сор йўқ,
Олиб сотарларда ҳар не бор, ор йўқ.
Ўмариб кетарди агар бўлганда,
Яхши-ки иймонни сотар бозор йўқ.

***

Умр ўтди терс тўздай тўлғаб боштингиз,
Қора сочга қорлар ёғди, энди шошингиз.
Биродарлар, кетар жарлар яқинлаб қолди,
Ҳеч йўқса жар ёқасида қучоқлашингиз.

***

Улатми ё қарқарали шондадир,
Маним руҳим тоабад майдондадир.
Тинди деманг, жанг-жиҳодлардан кетсам,
Мендаги бу сарбадорлик қондадир.

***

Сўнгги оним келса... оғочи-дорим,
Тайёр турса. Учса энг сўнгги зорим.
«Сўнгги бор кўрсат»,— деб сени сўрасам,
Ноумид қилмасми парвардигорим?!

***

Кетмоқ ғамин кўрдим ҳорғин бияда,
Гулнаи хабари бор қирда, қинда.
Ҳар лаҳза беҳадик гуркираб ён, дўст!
Ўлмоқ хатари бор ҳар сонияда.

***

Бошоқлар тўлишди, тўздирма, эгам,
Ҳалокат базмини тўздирма, эгам.
Нимани ўзсанг ўз, нени қирқсанг қирқ,
Онамнинг Умрини ўздирма, эгам.

***

Гарчанд ҳар базмга етиб бораман,
Зоҳиран шоҳ ботин етим бораман.
Карвало даштида каззобларга дуч,
Таланган карвондай кетиб бораман.

***

Оллоҳ, мен ҳеч ким, бир саргардон қулман,
Узмагин, титраниб турган бир қилман.
Бобуршоҳ топмаган ғанимларни
Қон йиғлаб излаган битта юфилман!

***

Сеҳру сабоғимиз устидан юринг,
Доғ ўлдик. Доғимиз устидан юринг.
Чорланг. Биз борайлик, ё ўзингиз келиб,
Қовуқ қабоғимиз устидан юринг!

***

Қуёш ботмай, тутилмай туриб ойим,
Сен чорла, мен ҳаялламай боройин.
Бирор синчнинг дарз кетмасин, обод бўл.
Мен кўз очиб кўнган карвонсаройим.

***

Бир саридан ғам, чоҳ келади,
Бир саридан дард, оҳ келади.
Қул бўлмай тур, бошқа саридан,
Сени суйиб Оллоҳ келади.

***

Отди кўкка, урди ерга, менга кифоя,
Шукур, минг шукур тақдирга,
менга кифоя.
Қалдирғочнинг уясича битта кулба-ю,
Сизнинг билан бўлсам бирга, менга кифоя.

***

Ишим — кўкартмоқдир, ҳут — менинг
дўстим.
Эскиман, масжид-у, бут менинг дўстим.
Қанча оёқ ости қилинган билан
Поймол бўлмайдиган ўт менинг дўстим.

***

Дунё шу. Битиролмаймиз биз ҳам
кам-кўстни,
Бир маъз йўқотиб йиғлама. Ўнма
бир пўстни.
Менга йиғла, мен кўтариб юрибман ахир,
Кўкрагимда қанча-қанча бедарак дўстни.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 7 noyabr, shanba № 133 (23.370).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Тадқиқотлар самарадорлигини ошириш — муҳим вазифа

Маълумки, мустақил давлатимиз раҳбарияти, шахсан Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, юртимизда демократик жамият барпо этиш манфаатларидан келиб чиқиб, халқимиз маънавиятини юксалтириш, унинг дунёқарашини, тафаккурини тубдан ўзгартириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Мазкур вазифаларни адо этишда илм-фаннинг, хусусан унинг фалсафа ва ҳуқуқ соҳаларининг, ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир.

Шу муносабат билан мухбиримиз ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВга қатор саволлар билан мурожаат қилди.

— Абдулҳафиз Марахимович! Сиз раҳбарлик қилаётган Институт бундан 40 йил муқаддам ташкил топган экан. Шундан 7 йили мустақиллик даврига тўғри келади. Миллий истиқлолнинг илмий жамоангиз фаолиятига таъсири қандай бўлди?

— Мустақилликнинг 7 йили илмий даргоҳимиз ҳаётида алоҳида, тенги йўқ аҳамиятга эга бўлди.

Сабаб: мазкур давр мобайнида Институтнинг илмий жамоаси мустабид шўролар тузуми унинг зиммасига юклаган вазифалардан қутулиб, бутун куч-қуввати, салоҳияти ва имкониятларини ўзининг мустақил Ватани, озод халқи, эркин миллати манфаатларига хизмат қилишга сарфлаш имкониятига эга бўлди. Натижада, у республикамизда, мамлакат йўлбошчиси — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлини илмий жиҳатдан таҳлил этиш, таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ушбу йўлда қўлга киритилаётган ютуқларни тарғиб қилиш, халқимиз тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ишига ҳисса қўшувчи муассасага айланди. Ўзбекистон халқи маънавий-ахлоқий ривожининг фалсафий, юртимизда мустақил давлатчиликни барпо этишнинг ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ қилиш илмий жамоамиз фаолиятидаги асосий ўринни эгаллади.

Институтнинг, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг уч нафар мухбир аъзоси, 20 фан доктори, 21 фан номзоди ва 20 дан зиёд илмий ходимлардан иборат, шу йиллар давомида деярли барқарор, илмий салоҳияти унинг олдига қўйган вазифаларни самарали уддалашга сафарбар этилди. Ходимлар йилига, ўртача, 180 б.т. ҳажмидаги тадқиқот ишларни бажармоқдалар. 1994-1997 йилларда 30 га яқин, 1998 йилнинг биринчи ярмида саккизта монография, шунча ўқув қўлланмаси, 1000 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар, маърузалар чизгилари чоп этилди.

Заҳирамизда, шу кунда нашрга тайёр, 17 та китоб, 300 га яқин мақола қўлёзмаси бор. Институт ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали илм-фан ютуқлари, мустақиллик маънавияти меваларидан халқимизни баҳраманд қилмоқдалар. Улар 1995-1998 йиллар давомида республика Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академиясининг фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг еттита грантлари бўйича ҳам фалсафа ва ҳуқуқнинг ўта долзарб мавзуларига оид, изланишларни олиб бордилар ва шундай грантлардан яна олтитаси бўйича ишларни давом эттирмоқдалар.

— Институт фақат фундаментал муаммолар билан шуғулланадими?

— Жамоамиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашдан ҳам иборат. Институтнинг ихтисослаштирилган кенгашларида, 1991-1998 йилларда, 138 та (булардан 72 таси институт ходимлари, докторантлари, аспирантлари, изланувчилари) фан доктори ва номзоди (тегишлича: фалсафадан — 86 ва 33 та, ҳуқуқдан — 52 ва 39 та) тайёрланди. Ҳозирги кунда Институтда етти докторант, 35, жумладан 6 нафар хорижлик, аспирант таҳсил олмоқда. Докторантура ва аспирантурага қабул режаларини бажариб келмоқдамиз.

«Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуидаги республика илмий-назарий конференциясини ўтказиш, 1994 йилдан эътиборан, анъанага айланди. Унга тайёргарлик бутун йил давомида олиб борилади. Ҳозиргача ана шундай конференциялардан бештаси ўтказилди, уларнинг, саккизта китобдан иборат (100 б.т. яқин ҳажмдаги), маърузалари тўпламлари нашр қилинди. Конференцияларда 500дан зиёд тадқиқотчилар иштирок этишди.

1997 йилда, Институт ҳузурида, аждодларимиз бой фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва диний-фалсафий меросидан халқимизни, жаҳон жамоатчилигини баҳраманд қилиш, мазкур меросни ҳар томонлама илмий таҳлил этишни йўлга қўйиш мақсадида, хорижий илм масканлари билан ҳамкорликда, «Мутафаккир» халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Шу кунларда унинг молиявий аҳволи мустаҳкамланмоқда ва биринчи галда амалга ошириладиган тадбирлар белгиланмоқда. Бунга оид нашр ва тадқиқот ишларининг ҳажми, ҳозирча, 2200 б.т. ташкил этмоқда.

Ҳуқуқшунос олимларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг, илмий синовдан ўтишга дахлдор ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар беришга оид ёки бошқа топшириқларини сидқидилдан бажармоқдалар. Шунингдек, улар Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятларига ҳам кўмак бермоқдалар. Масалан, Ўз ФА мухбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқулов, ҳуқуқ фанлари докторлари Ғ. Аҳмедов, Э. Ҳакимов, И. Жалилов, М. Файзиевлар Конституциямиз, бошқа қонунлар ва кодекслар лойиҳаларини тайёрлашда, ишчи гуруҳ раҳбари ёки унинг аъзолари сифатида, иштирок қилдилар.

Институтнинг етакчи олимлари — фалсафа фанлари докторлари О. Файзуллаев ва Ҳ. Алиқулов ва бошқалар Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари, Имом ал-Бухорийнинг 1225, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйларига бағишланган халқаро, минтақавий илмий конференцияларда фаол иштирок этдилар, ушбу саналарга оид тарғиботчилик ҳамда ноширчилик ишларига ҳисса қўшдилар.

Ходимларимиз Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ташкил этилаётган (жумладан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент давлат юридик институти, Самарқанд, Тошкент педагогика, Наманган Давлат университетлари ва бошқа) конференцияларда маърузалар қилмоқдалар, уларнинг тўпламларида ўз тадқиқотлари натижаларини чоп эттирмоқдалар.

— Институт ходимларининг, жумладан ёшларнинг, халқаро илмий ҳаётдаги иштироки қандай?

— Илмий ходимларимиз, кейинги йиллар давомида, хорижий ҳамкасблари билан илмий алоқаларни кенгайтириб, АҚШ, Англия, Венгрия, Германия, Голландия, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон ва қатор бошқа давлатларда илмий сафарда бўлдилар. Улар орасида ёш тадқиқотчиларимиз — Л. Эшонқулова, Б. Турсунов, Г. Юнусова, Э. Галиулина, Г. Исмакова ва бошқаларнинг борлиги қувонарлидир. Қатор ходимларимизнинг илмий ишлари АҚШ, Германия, Голландия, Россия, Қозоғистонда чоп этилди. Менинг ўзим 1998 йилнинг августида АҚШнинг Бостон шаҳрида ўтган XX Бутунжаҳон фалсафа конгрессида маъруза билан иштирок этдим. Мустақил юртимизда юз бераётган ислоҳотлар йўлининг фалсафий моҳияти тўғрисида фикр юритиш ушбу маърузанинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилди. Ходимларимиз Тошкентда БМТ, ЮНЕСКО, ПРООН, бошқа халқаро жамғармалар томонидан ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол қатнашмоқдалар.

Шунингдек, Институтимизда АҚШ, Австралия, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Эрон Ислом Республикасидан ташриф буюрган олимлар билан ҳам фойдали мулоқот ва қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди.

Мустақил Ватанимиз манфаатлари йўлида хизмат қилиш бурчи ходимларимиздан ўз устиларида тинмай ишлашни талаб этмоқда. Шу сабабдан, Институтда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-назарий семинар, қатор йиллар давомида, муттасил ишлаб турибди. Фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Хоназаров раҳбарлигидаги худди шундай семинар ёш олимлар учун ташкил этилган.

Кейинги йилларда фан докторлари ва номзодлари бўлиб етишган ёш олимларимиздан бир нечтаси республика раҳбарлик идораларида, олий ўқув юртларида, ҳуқуқ-тартибот муассасаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Юқоридагилардан Институт фаолияти камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эканда, деган фикр асло келиб чиқмаслиги керак. Улар бизда талай. Буни яқинда ўтказилган аттестация натижалари яққол кўрсатди. Аттестация ишларимизга яна бир бор жиддий разм солиш, камчилик ва нуқсонларимизни аниқлаш имкониятларини ҳамда янги вазифаларни белгилаш учун жиддий туртки бўлди. Нуфузли комиссия барча ходимларимиз билан батафсил суҳбатлашди, фаолиятимизни обдон ўрганди, ишимизни яхшилашга оид тавсияларни берди. Икки ходимимиз ўз вазифасига нолойиқ, 3 нафари эса — унга шартли равишда лойиқ, деб топилди. Кейингилар, яъни ўзи эгаллаб турган вазифага шартли лойиқ деб топилганлар, орасида камина ҳам бор. Аттестация якунларидан биз тегишли хулосалар чиқарамиз.

— Шу кунларда нималар устида ишламоқдасизлар?

—Нашрга тайёрланган «Мустақиллик» (20 б.т.га яқин ҳажмдаги) изоҳли луғат айни шу кунларда босмадан чиқмоқда. Институт ходимлари, бошқа етакчи ҳуқуқшунослар иштирокида, тайёрланаётган «Юридик атамаларнинг қомусий луғати» матни (тахминан 5000 сўздан иборат, 45-50 б.т. ҳажмдаги) устидаги иш якунланиш арафасида. Шунингдек, устувор тадқиқотлар давлат дастурига кирган иккита, — «Ёшлар ва дин» ҳамда «Ислом тарихидан лавҳалар», — мавзуи устида изланишлар олиб борилмоқда.

Ишимиз ҳали мамлакатимиз эҳтиёжлари, давлатимиз раҳбари олдимизга қўяётган талаблар даражасида эмас. Буни тўла англаган ҳолда, 1997 йили Институт ички тузилмасини, илмий тадқиқот йўналишлари ва мавзуларининг такомиллаштириш концепциясига мослаб, жиддий равишда ўзгартирдик. Чунончи, Ўзбекистонни мустақиллик шароитидаги ривожининг ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий, шунингдек, Марказий Осиё, хорижий Шарқ, жаҳон халқлари фалсафаси, сиёсий тафаккури тарихи, уларнинг мазкур соҳаларга оид шу кундаги ютуқларини ва юртимизда демократик давлатчиликни, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, аҳолини ижтимоий кафолатлашнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганувчи саккизта бўлим тузилди (аввалги 14 та ўрнига). Бўлимларга раҳбарлик қилиш, асосан, ёшларга топширилди. Мазкур борадаги ишни яна давом эттириш ниятидамиз. Жумладан, Институтга ёш, истеъдодли, истиқболли, ходимларни жалб этиш, хорижий илм масканлари билан ижодий алоқаларни кенгайтириш, халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш, уларни ўзимизда ташкил қилиш амалиётини қарор топтириш ҳам шулар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги (1998 йил 27 июлдаги) қарори бизнинг жамоамиз учун ҳам дастуриламалдир.

Масъулиятли давр олдимизга жиддий вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Уларни шараф билан уддалашга бутун куч-ғайратни сарфлашни Институтимизнинг ҳар бир ходими ўзининг юксак ватанпарварлик бурчи, деб ҳисоблайди.

Норбобо ШАКАРОВ
суҳбатлашди

Ирмоқлар йўлин тошади.
Абдулгани ЖУМА олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Нурбек ТОШНИЕЗОВ,
навбатчи
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 02.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА